



АНГЛИЯ ҲАЁТИНИ ТАВСИФЛОВЧИ МИЛЛИЙ ФИКРЛАР ОЛАМИНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИ

*Исмоилов Турғун Салоҳиддинович,
СамДЧТИ мустақил тадқиқотчиси*

Калим сўзлар: ватан тушунчаси, миллий характер, миллий маданият, England, Englishness, оламнинг лисоний манзараси, автостереотип тасаввурлар, сиёсий стереотиплар, ижтимоий стереотиплар.

Миллий менталитет шаклланишининг муҳим таркибий қисмларидан бири - бу мамлакат номи тушунчаси билан қоришиб кетган *ватан* тушунчасидир. Халқнинг дунёқарашида алоҳида тушунчалардан ташкил топган мураккаб, кўп қиррали ҳодиса, ҳамда миллий тафаккур ҳаракатларини шакллантирувчи элемент сифатида *ватан* тушунчасини кўриб чиқиш зарурлиги кўпгина олимлар томонидан қайд қилинган [3;4;6]. Бу борада тил, маданият ва этносларнинг ўзаро таъсири масаласи бўйича тадқиқот-чилар томонидан билдирилган фикрлар "тил маданият кўгусидир" деган аксиомага асосланган [5; 7]. Миллий маданият ушбу жамиятдаги шахснинг хулқ-атворини белгилайди, лисон инсон хатти-ҳаракатларининг турларидан биридир. Тил миллий характерни шакллантириш жараёнидаги асосий омиллардан бири бўлиб, нафақат этник фарқловчи белги, балки тарихий, ижтимоий ва маданий тажрибанинг сақловчиси ҳамдир [1; 2].

Инглиз лисоний шахси онгида Буюк Британия ва инглизлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган автостереотиплар, яъни таниқли инглизларнинг ўз ватани ва ватандошларига тегишли бўлган фикрлари, ҳукмлари ва баҳоларининг семантик асосларини тадқиқ этиш кейинги пайтларда катта қизиқиш уйғотмоқда. England ва Englishness таркибли лексик бирликлар воситасида тақдим этиладиган фикрлар ва баҳолар турлича семантик мазмунга эга бўлиши мумкин. Маданиятлараро мулоқот жараёнида Британия ҳаёти билан боғлиқ аниқ семантик фактлар ҳақида билимларга эга

бўлмасдан туриб, бундай лексик бирликларни тушуниш анча мушкул, чунки мазкур лисоний бирлик семантикаси ўзи тақдим этаётган фикр ёки баҳони тушуниш учун етарли бўлмайди. Ҳар бир иборани тўғри қабул қилиш учун эса унда мавжуд бўлган ички образ билан боғлиқ мотивлашган макрокомпонентни билиш талаб қилинади.

Ватан кенг тушунчасининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳар бир халққа хос бўлганлиги сабабли ҳам универсал, маълум бир миллатга хос бўлган маданий ёрлиқларининг мавжудлиги туфайли ҳам этномаданий ҳодисадир. Инглиз тилида ватан тушунчасининг асоси бир нечта тушунчалардан ташкил топган: "people", "homeland", "nation", "land" ва "country". "Homeland" ғоясининг инглиз тилида бундай тушунчалар орқали рўёбга чиқиши ягона инглиз миллатининг кўп этник гуруҳлар негизида ташкил топишининг тарихий шароитлари билан изоҳланади. Мазкур мақолада инглиз таниқли сиёсатчилари, олимлари, бадиий ижод номояндаларининг нутқида ўз ватанининг таркибий қисми бўлмиш Британия ва британияликлар ҳақида айтилган фикрларини ифодаловчи лисоний воситалар кўриб чиқилади.

Британия ва британияликлар ҳаёти оламнинг миллий манзарасини баҳоловчи фикрларнинг аксарият қисмида учта таркибий қисм яққол кўзга ташланади. Булар – "лисоний шахс", "миллий характер соҳиби" ва "инглиз ҳаёти оламнинг лисоний манзараси".

Инсоннинг ташқи дунё ҳақидаги тасаввурлари шу дунё билан ўзаро муносабати жараёнида шаклланади, бунда



лисон фикрлаш табиатини, дунёни билиш усуллари белгилайди, инсоннинг онги ва хатти-ҳаракатларига таъсир қилади. Инсон онгида олам манзарасининг шаклланиши унинг ташқи дунё билан ўзаро алоқасининг натижасидир. Оламнинг лисоний манзараси деганда, биз ушбу лисоний жамоанинг кундалик онгида тарихан шаклланган ва лисонда акс этган олам ҳақидаги тасаввурларнинг жамини, воқеликни тушунчалаштиришнинг муайян усулини тушунамиз. Инсон томонидан дунёни идрок этишнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу жараёнда нафақат борлиқ объектларининг ўзлари, балки акс эттираётган субъектнинг позициялари, унинг бу предметларга нисбатан муносабатлари ҳам акс этади.

«Миллий характер соҳиби» тушунчаси остида биз алоҳида шахсни тушунмасдан, муайян ижтимоий субъектни, яъни миллат ва унинг таркибига кирадиган гуруҳларни назарда тутамиз. Масалан, инглиз миллати каби бирдам ва уюшган жамият муҳитида алоҳида шахслар бир-бирларига таъсир ўтказишади, бунинг натижасида хатти-ҳаракатнинг умумий стандартлари, дунёни сезиш, ахлоқий қадриятлар ва анъаналар тизими ва ҳ.з. шаклланади.

Миллий характер ва олам манзараси муаммолари чамбарчас боғлиқдир. Миллий характер деганда, биз ривожланишнинг аниқ иқтисодий, маданий ва табиий шароитларида у ёки бу ижтимоий-этник жамоага муайян даражада хос бўлган хусусиятлар тўпламини тушунамиз. Агар “миллий характер” тушунчаси, энг аввало, ташқи кузатувчининг маданиятга бўлган қарашини назарда тутса, унда “олам манзараси”, аксинча, ушбу маданият вакилининг ташқи оламга бўлган қарашини ўрганади. “Лисоний шахс” – ўзи яратган матнларнинг таҳлили асосида ўзи идрок этган воқеликни акс эттириш ва бу оламда муайян мақсадларга эришиш учун ушбу тилнинг тизимли воситаларидан шу матнларда фойдаланиш нуқтаи назаридан тавсифланган муайян тилнинг ҳар қандай соҳибидир. Лисоний шахс, миллий

характер ва олам манзараси тушунчалари ҳар қандай миллат учун бир хилдир, аммо улар халқ анъаналари, маданияти, миллий темпераменти ва менталитетига қараб ҳар хил тақсимланади ва намоён бўлади. Британия ва британияликларнинг ҳаёти ҳақида билдирилган ижобий ва салбий фикрларда уларга хос бўлган ёки энг характерли, ёки энг ёрқин ва шунинг учун аниқ эслаб қолинган хусусиятлар ўз ифодасини топган. Шу боисдан, таниқли британияликларнинг ўз ватанига ва юртдошларига хос бўлган оламнинг миллий манзараси ҳақидаги фикрларини инглиз лингвомаданий ахборотининг манбаси сифатида таҳлил қилишни маъқул топдик. Ушбу фикрлар мисолида британияликлар олами лисоний манзарасининг ўзига хос хусусиятлари инглиз тил бирликлари воситасида тақдим этилиш йўллари тизимлаштирилади.

Машҳур британияликларнинг муайян даражада донг таратган фикрларида берилган лингвомаданий ахборот призмаси орқали инглиз миллати дунёқарашининг ўзига хослигини талқин қилишга ҳаракат қиламиз. Таҳлилимиз автостереотипларнинг аксарияти семантик кўлами бўйича Британия ҳаётининг қуйидаги соҳалари ҳақида айтилганини кўрсатди:

1. Англия сиёсий тизимини консерваторлар ва лейбористларнинг ўзаро масхарагарисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бунда лейбористлар консерваторларни танқид қилганда, консерваторлар партиясининг замон руҳидан ортда қолгани (“The trouble with the Conservative Party is that it has not turned the clock back every single second”(Evelyn Waugh)), ракибларнинг фикрига кўра, ёрдамга муҳтож бўлмаган бой одамларнинг манфаатларига эътибор қаратгани: “A conservative is someone who demands a square deal for the rich” (Davis Frost 1983) каби белгиларига урғу беришади.

Иккиюзламачилик Британиядаги сиёсий тизимнинг хусусиятларидан бири бўлган ва бўлиб қолмоқда: “The Conservative Party is an organized hypocrisy”. Шундай бўлса-да, танқид



килувчилар кўпинча “бир-бирига жуда душман бўлган” сиёсий соҳада ҳам киноя ва истехзоли юмор орқали бирлашадилар, бундай ҳолат, ўз навбатида, ўзига хос табассумга сабаб бўлиши мумкин: “Tories are not always wrong, but they are always wrong at the right moment” (Lady Violet Bonham-Carter).

2. Машҳур британияликларнинг кўп сонли гапларида паст обрўга эга бўлган инглиз ошхонаси масҳара қилинади: - If the British can survive their meals they can survive anything (George Bernard Shaw); - Coffee in England always tastes like a chemistry experiment (Agatha Christie). Сомерсет Моэм инглиз ошхонасининг камчиликлари билан бир қаторда унинг асосий устунлигини аниқ тасвирлаб берган: “If you want to eat well in England eat three breakfasts”. Фикрлар нафақат Британиянинг ҳаётини, балки ундаги ҳаётнинг айрим томонларини ҳам тавсифлайди. Масалан, “The British Civil service is a beautifully designed and effective braking system” (Shirley Williams 1980) гапидаги истехзо таажжубланиш таъсирига асосланган. Кўпгина ҳолларда, фикрлардаги юмор таъсири ушбу контекстда ҳеч ҳам қутилмаган объект билан таққослаш орқали амалга оширилади, бу эса ўз навбатида калит сўзнинг кўп маънолигига асосланади: - Britain has invented a new missile. It’s called a Civil servant – it doesn’t work and it can’t be fired.

3. Таниқли танқидчилар, журналистлар, ёзувчиларнинг England ва Englishness тушунчаларини англаб олишга салмоқли ҳисса қўшган бошқа муаллифларнинг ижодига бағишланган фикрлари алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Масалан, кўплаб шарҳлар О.Уайлднинг ҳаёти ва ижодини тавсиф-лайди: “Oscar Wilde was a mixture of an Apollo and a monster” (George Meredith). Бундай тавсиф фақат инглиз миллий онгида шаклланган истехзонинг ўзига хос шаклидир, чунки, масалан, ўзбек ўзининг улуғ шоири ҳақида у “озгина нарсада жуда буюк” дейишини тасаввур қилиш қийин: “I have a very moderate admiration of his

genius. He is great in so little a way” (Charles Lamb on Lord Byron). Маъноси бўйича қарама-қарши бўлган иккита элементнинг зид кўйилиши, бирикиши фикр муаллифлари томонидан кўпинча истехзоли, кинояли, юмор самараларига эришиш воситаси сифатида фойдаланилади. “A masterpiece of failure” (George Bernard Shaw, reviewing Fedora in 1895). “The English have an ability for flying into a great calm” (Alexander Woollcott). “The portrait endowed with every merit except the likeness to the original” (Edward Gibbon on Pope’s translation of Homer).

4. Инглиз тилида Englishness тушунчасини акс эттирадиган фикрлар ҳам катта қизиқиш уйғотади. Демократизм, бошқа маданиятларда катта обрў-эътибор қозонган одамларга, хусусан, Қиролик бадий академиясининг аъзоларига ҳурматнинг йўқлиги каби хислатлар бу ерда аниқ кўринади: —The reputation of the Academy has got to a point where election would be positively distressing to a serious painter” (Evening Standard 1961)”. “As for our little bits of R. As calling themselves painters it ought to be stopped directly (John Ruskin 1943). Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳар қандай қилиб бўлса-да муваффақиятга интилишнинг йўқлиги (“In England failure is all the rage” Quentin Crisp 1968; “The English think incompetence is the same thing as sincerity” Quentin Crisp 1977), соғлом ҳаёт тарзига астойдил берилиш (АҚШга шунчалик хос бўлган) (The English find ill-health not only interesting but respectable and often experience death in the effort to avoid a fuss” Pamela Frankau 1961) Englishness тушунчасининг ажралмас қисмларидир.

Englishness тушунчасининг моҳиятини тавсифловчи фикрлар британияликлар ҳаётидаги бир неча соҳаларнинг комплекс равишдаги тавсифини ўз ичига олиши ҳам мумкин, масалан: “So little, England. Little music. Little art. Timid. Tasteful. Nice.”(Alan Bennet, 1883). Айтилган фикр “дид”, “қулайлик” каби ижобий тавсифларни ҳамда киноя объекти, хусусан, муаллиф



фикрига кўра, Британиянинг етарлича кайноқ бўлмаган мусикий ва бадиий ҳаётини ўзида мужассам этган образни яратади.

5. Британияликларнинг ўзларига нисбатан истехзо қилиш қобилияти ҳақида кўп нарса айтилган ва ёзилган. Масалан, “What two ideas are more inseparable than Beer and Britannia?” (Sydney Smith 1771- 1845). Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу сатрларнинг муаллифи таққослаш учун Британиянинг лотинча номидан фойдаланиб, beer/пиво сўзини бош ҳарф билан ёзади. Контраст ва эмфаза (таъкидлаш) фикр ичида бирлаштирилган: “we are overspent, overborrowed, overgoverned, overtaxed, overmanned, underpoliced, underdefended, and rather badly undereducated” (Sir Keith Joseph 1979). Ушбу гап британияликнинг Британиядаги ҳаётга бўлган қарашини акс эттиради, шу билан бирга, агар overspent ва overtaxed шакллари инглиз тилида кенг қўлланилса, у ҳолда overgoverned, underpoliced, underdefended ҳаддан ташқари етарли бўлмаган миқдорини ифодаловчи тегишли префиксларнинг сифатдош билан қўлланиши адабий меъёр эмас. Биз британияликлар учун сифатли таълим, адолатли солиққа тортиш ва шахсий хавфсизлик кафолатлари биринчи даражадаги аҳамиятга эга эканлигини кўрамиз. Кўплаб инглиз ёзувчилари ўз мамлакатини танқид қилиш қобилиятига эга бўлган, бу эса ўз навбатида масхара қилиш объектига айланган: “What is England? From Swift to Huxley our writers have been giving us private tuition courses in self-hate” (Gerald Brenan 1950).

6. Публицистик дискурсда бирорта ҳам сиёсий етакчи фақат ижобий баҳо олмайди, чунки ҳокимият учун жиддий кураш вазияти оппонентлар томонидан рақобат ва қаттиқ танқидий фикрларни (хукмларни) келтириб чиқаради. Масалан, бутун дунёга машҳур Маргарет Тэтчерга ОАҚда ҳам ижобий, ҳам салбий баҳо берилади. “Темир леди” (the iron lady) стереотипи сиёсий фаолиятининг турдош номи ва тимсоли бўлиб қолган. Баъзан, унинг сиёсий муаммоларни ҳал қилишдаги

кучли, эркакча ишбилармонлигини назарда тутган ҳолда, М.Тэтчернинг совуққонлиги ҳақида гапиришади. Қиёслаб кўрайлик: Here is a retro feel to the Conservative Party conference this year. In the exhibition hall, Our Maggie beer and Iron Baby bibs are on sale next to velvet smoking jackets and tailored tweed suits (The Times. October 1. 2013).

Маълумки, Буюк Британиянинг собиқ премьер-министрлари Тони Блэр ва Гордон Браунлар М.Тэтчернинг издошларидан бўлган. Шу сабабли Thatcherism ва Thatcherite сўзларидан кейин бретан матбуотида Blairism ва Blairite, ҳамда Brownism ва Brownite каби янги сўзлар пайдо бўлди: Nick Clegg today dismissed David Cameron's claim that «we are all Thatcherites now», but defended the cost of the former Prime Minister's funeral (The Times. June 18. 2013). Ed Balls did Ed Miliband a massive favour in the last Labour leadership election by drawing the Brownite poison into himself (The Times. December 8. 2013). Ed Miliband has turned to leading Blairites to help him win the next general election, according to a leaked memo (The Times. December 8. 2013).

У ёки бу социумнинг кўпчилик вакиллари учун хос бўлган универсал стереотиплардан ташқари, миллатнинг барча вакилларида бир хил умумий тасаввурларни шакллантирмайдиган стереотиплар (skeptical Europeans and hostile Russians; South Africa - an economic whale, swimming with minnows) ҳам мавжуд бўлиб, улар турлича идрок этилиши мумкин, бундай ҳолатларда турли даражадаги маълумотлиги ва маданияти, ёши ва ҳаётий тажрибаси туфайли зидликка эга бўлган ҳар хил одамларнинг фикрини инобатга олиш зарур: Nigel Lawson, Margaret Thatcher's boom-and-bust chancellor from 1983 to their own bust in 1989, is in a very different league, one of nature's political heavyweights (The Guardian. May 9. 2013). Ушбу мисолда муаллиф молия муассасаси канцлери Найджел Лоусен ҳақида стереотип идрокни ифодалашда М.Тэтчер амалга оширган иқтисодий сиёсат билан боғлиқ



стереотип ассоциацияга мурожаат қилади: уни “иктисодий шов-шув ва инқироз даврида М.Тэтчернинг концлери” деб атайди. М.Тэтчернинг обрўси ва машҳурлиги ушбу сиёсий арбоб образига шон-шухрат коннотациясини муҳрлайди.

7. Ижтимоий стереотиплар орасида аслзодалар ҳақидаги стереотип-ларнинг икки гуруҳи мисолларимизда кўпроқ берилган: аслзодалар ўзларини қандай идрок этишини ифодалайдиган авгостреотиплар, аслзодалар бошқаларни қандай идрок этишларини ифодалайдиган гетеростереотиплар.

Аслзодалар яшовчанлик, барча ижтимоий ўзгаришларга қарамасдан, ўша ҳаёт тарзини давом эттиришга қодирликни ўзларининг фазилати деб ҳисоблашади ва ўзларини ўзгалар хужумларининг айбсиз қурбонлари қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади: "The way to tell an Etonian, in any case, is that he tends to dress and speak down, not up: it's a survival tactic born of trying to avoid being beaten up by Windsor boys" [28]. / «Кийиниш йўсини ва аслзодага ўхшамасдан содда гапириш тарзига қараб Итон битирувчисини ҳамма вақт осон билиб олса бўлади: бу итонликларнинг Виндзорлик ўғил болаларнинг калтакларидан қочиб қутулишга ҳаракат қилган пайтдаги ўйлаб топган яшаб қолиш усулидир». Аҳолининг қолган қатламлари яшаб қолишининг бундай усулини мослашувчанлик тарзида таърифлаб, салбий ирок этишади.

Аслзодалар ҳақидаги стереотипларнинг кўпчилигида қуйи ва ўрта синф вакилларининг аслзодаларга нисбатан фикрлари эксплицит тарзда ифодаланган, хусусан: аслзодалар калондимоғ, сурбет, хулқ-атвор қоидаларига амал қилмайди: "In general the British people like their toffs to be toffs, to behave with chutzpah and a degree of imperious disdain towards upstarts" [25]. - «Умуман, аслзодалар аслзодалардай ўзларини кўрсатса, сурбетларча ўзларини тутса, у-бу қилиб тез мартабага эришган тирранчаларга буйруқ оҳангда ва нафранланиб муносабатда бўлса,

британияликларга ёқади». "Middle-class society will make excuses for the bad behaviour of someone whom it believes to be posh" [27]. - «Ўрта синф вакиллари, агар кишини аслзода деб ҳисоблашса, унинг бадахлоқлигини оқлашни ўйлаб топишади». "People think it's OK for the posh to behave badly in society because they think it's their culture" [Ibidem]. - «Аристократларнинг жамоада ўзларини ёмон тутиши нормал ҳолат саналади, чунки бу ҳолат маданиятнинг бир қисми сифатида идрок этилади». Шундай қилиб, аниқланган стереотиплар британияликларнинг синфий тизимни унинг барча нуқсонлари билан бирга қабул қилинганлигидан ва аслзодаларга референт гуруҳ сифатида муносабатидан гувоҳлик беради.

Аслзодалар ҳақидаги гетеростереотиплар орасида салбийлари кўпчиликни ташкил қилади, масалан: "For most of the 20th century, the aristocracy showed itself remarkably indifferent to the welfare of the nation" [Ibidem]. - «Йигирманчи асрнинг катта қисми давомида аслзодалар миллатнинг бахт-соадатига ҳайратда қолдирадиган эътиборсизлик билан қарашди». Remarkably равиши билан кучайтирилган indifferent to the welfare of the nation тавсифи, умуман, аслзодалар фақат ўзлари тўғрисида жон куйдириши ҳақидаги кенг тарқалган салбий стереотипни мустаҳкамлаган ҳолда, аслзодалар ҳақида умумлашган тасаввурни ифодалайди. Бирок, бир қатор ижобий гетеростереотиплар ҳам мавжуд, масалан: "There is a clear divide between the old and young female toff: the older ones are not vain" [33]. - «Кекса ва ёш аслзодалар ўртасида сезиларли фарқ бор: кексалари манман эмас». Қуруқ олифтагарчилик билан тасифланадиган ёшлардан фарқли ўлароқ, дўстона муносабат ва очикқўнгилик катта авлод аслзодалари учун хос белгилардир.

Шундай қилиб, таниқли инглизларнинг ўз ватани ва юртдошлари ҳақидаги фикрларини ўрганиш лингводидактик нуқтаи назардан ҳам,



илмий нуктаи назардан ҳам фойдали бўлиши мумкин. Биринчидан, фикрлар семантик зиддиятларга асосланган истехзоли ва кинояли фикрларнинг лексик ва синтактик расмийлаштирилиши бўйича ажойиб намуналари бўлиб хизмат қилади. Ушбу турдаги мисоллар билан танишиш инглизларнинг киноя ва истехзога бўлган муҳаббати тилни ўрганувчиларда маданий

шокка олиб келмаслиги учун зарур. Иккинчидан, фикрлар, ўзларида “шахсий” биографик маълумотларни олиб юрган ҳолда, инглиз тилида сўзловчилар оламининг лисоний манзарасидаги асосий тушунчаларни қайта куриш воситаларидан бири бўлиб, миллий характерни ўрганишга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. - М.: Прогресс, 1985. – 452 с.
2. Никитина С.Е. Устная народная культура и языковое сознание. - М., 1993.- 188 с.
3. Britishness: Perspectives on the British Question / A. Gamble, T. Wright (eds). Oxford: Political Quarterly Wiley-Blackwell, 2009. 173 p.
4. Colls R. Identity of England / R. Colls. Oxford: Oxford University Press, 2002. 409 p.
5. Easthope A. Englishness and National Culture / A. Easthope. L., N.Y.: Routledge, 1999. 243 p.
6. Langlands R. Britishness or Englishness? The Historical Problem of National Identity in Britain / R. Langlands // Nations and Nationalism. 1999. Vol. 5. No 1. P. 53–69.
7. URL <http://www.krugosvet.ru/> (дата обращения 10.09.2016)

Ismailov T. The linguistic picture of the world of national ideas about life in England. This article examines the various judgments of famous English politicians, scientists, representatives of artistic creation about Britain and Britons as an integral part of their homeland and the linguistic means by which they are expressed. The content of the most common stereotypes about the role of a particular politician or party, a particular social class in British life and the linguistic means of their expression is revealed. It illustrates auto-stereotypical notions of various spheres of British life and shows that the British accept the class system with all its flaws and view the aristocrats as a reference group.

Исмаилов Т. Языковая картина мира национальных представлений о жизни в Англии. В данной статье рассматриваются различные суждения известных английских политиков, учёных, представителей художественного творчества о Британии и Британцах как неотъемлемой части их родины и языковые средства, которыми они выражаются. Раскрывается содержание наиболее распространенных стереотипов о роли конкретного политического деятеля или партии, определенного социального класса в британской жизни и языковых средств их выражения. Иллюстрируются автостереотипные представления о различных сферах британской жизни и показывается, что британцы принимают систему классов со всеми ее недостатками и рассматривают аристократов как референтную группу.